

**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**COLOR ASSOCIATION IN THE UZBEK LANGUAGE AND FACTORS AFFECTING ITS FORMATION****Durdona Esonovna Lutfullaeva***Doctor of philological sciences, professor**International Islamic Academy of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: 1965ddd@mail.ru***ABOUT ARTICLE**

Key words: color associations, verbal associations, color-denoting words, factors driving color associations.

Received: 26.11.23**Accepted:** 28.11.23**Published:** 30.11.23

Abstract: In this article, the issue of the formation of verbal associations in the Uzbek language and the words denoting color in Uzbek language, and the external factors that stimulate the formation of associations are identified. The difference between verbal associations in different languages is based on the national-cultural views formed in the language society.

ЎЗБЕК ТИЛИДА РАНГ АССОЦИАЦИЯСИ ВА УНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР**Дурдона Эсоновна Лутфуллаева***Филология фанлари доктори, профессор**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: 1965ddd@mail.ru***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: ранг ассоциацияси, вербал ассоциациялар, ранг-тус билдирувчи сўзлар, ранг ассоциациясига туртки берувчи омиллар.

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар ва уларга нисбатан тил эгаларида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши масаласи ёритилган, ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига туртки берувчи таъки омиллар аниқланган. Турли тиллардаги вербал ассоциацияларнинг тил жамиятида шаклланган миллий-маданий қарашлар билан боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқланиши асосланган.

ЦВЕТОВАЯ АССОЦИАЦИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЕЕ ФОРМИРОВАНИЕ

Дурдона Эсоновна Лутфуллаева.

доктор филологических наук, профессор

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: 1965ddd@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
цветовые ассоциации, вербальные ассоциации, слова, обозначающие цвет, вызывающие цветовые ассоциации.	В данной статье выявляются вопросы формирования вербальных ассоциаций в узбекском языке и слов, обозначающих цвет в узбекском языке, а также внешние факторы, стимулирующие образование ассоциаций. В основе различия вербальных ассоциаций в разных языках лежат национально-культурные взгляды, сформировавшиеся в языковом обществе.

КИРИШ

Ранг-тус билдирувчи бирликлар бўйича тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларда инсоннинг ранглар ҳақидаги тасаввурлари, рангларга муносабати, ранглар билан боғлиқ кадриятлар, урф-одатлар акс этади. Муайян ранг-тус билдирувчи бирлик ҳатто инсон ҳаётида содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисани унинг хотирасида тиклаши мумкин. Б.А.Мусуковнинг таъкидлашича, айрим ранглар жамият ҳаётидаги кўплаб йирик ўзгаришлар ва атроф муҳитдаги ҳаётининг муҳим элементлар: олов, осмон, қуёш, сув ҳақидаги ассоциацияларни ҳосил қилиши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тилдаги ранг-тус билдирувчи бирликлар ташқи омиллар таъсирида инсон хотирасида турли ассоциацияларнинг тикланишига тўртки беради. Бундай ташқи омиллар турли халқларда бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек тилида ранг ассоциацияси, аввало, объектнинг ранг бўёғи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу билан бирга, рамзлар, ранг билан алоқадор урф-одат, анъаналар, ранглар мифологияси кабилар ҳам турли ассоциацияларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Тил эгаларида ранг-тус билдирувчи сўзларга нисбатан вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлишида предметларнинг ранг бўёғи муҳим роль ўйнайди. Бошқача айтганда, предметларнинг ранг бўёғи ҳақидаги тасаввурлар ушбу предмет ва ранг-тус билдирувчи сўзларнинг ўзаро ассоциатив боғланишини таъминлайди.

Ранг-тус билдирувчи сўзлар объектнинг ранг белгисини англатиши сабабли ассоциатив тарзда, аввало, шу объектни инсон тасаввурида тиклайди. Масалан, ўтказилган

ассоциатив тажрибаларда ранг ва предмет муносабатини акс эттирувчи куйидаги ассоциациялар қайд этилди: **яшил** – *ўтлоқ* (5), *барг* (4), *ўт* (3), *ўт-ўлан* (2), *дала* (2), *дарахт* (2), *доска* (2), *адир*, *боғ*, *дафтар*, *ўт-ўсимлик*. Ёки **оқ** – *булут* (4), *қоғоз* (3), *қор* (3), *вароқ* (2), *рўмол* (2), *сут* (2), *қўйлак* (2), *келин қўйлак* (2), *оқ ранг* (2), *либос*.

Маълумки, табиатдаги ҳар бир предмет унга хос белги-хусусият, макон, замон кабилар билан ёндош ҳолатда мавжуд. Масалан, дарахтнинг мавжудлиги тупроқ, сув, ҳаво кабилар билан бевосита боғлиқ. Бу предметлар дарахтнинг мавжудлиги шарти сифатида у билан боғлиқ, ёндош предметлар саналади. Дарахт ва унга ёндош предметлар доимо бир-бирини ёдга солиб туради. *Дарахт* сўзи ассоциатив тарзда *тупроқ* сўзини, ўз навбатида, *тупроқ* сўзи *дарахт* сўзини инсон хотирасида тиклайди. Бундай ёндошликка асосланган ассоциация ранг-тус ва у тегишли объект алоқасида ҳам кузатилади. Масалан, қоғоз ва унинг оқ ранги ассоциатив тарзда бир-бирини хотирада тиклайди. Яъни *қоғоз* сўзи эшитилганда *оқ* сўзи, *оқ* сўзи айтилганда *қоғоз* сўзининг хотирада тикланиши бу икки сўзнинг ёндошликка кўра ассоциатив алоқасидан дарак беради. Худди шундай, *мовий* сўзининг *осмон* сўзи билан ассоциатив боғланиши ранг-тус билдирувчи мазкур сўзнинг ёндошликка кўра ўзи мансуб объект номини хотирада тиклашини кўрсатади. Демак, ранг-тус билдирувчи сўзлар қандай объект рангини англатса, шу объект номини билдирувчи сўзлар билан ёндошликка кўра ассоциатив боғланади.

Тилда ранг билдирувчи сўзларнинг рамзий маънолари билан боғлиқ ҳолда ҳам турли вербал ассоциациялар юзага келади. Тарихдан кишилар муайян рангларда нарсалар, предметлар, воқеа-ҳодисалар рамзини кўришган. Натижада тил эгаларида ранглар билан боғлиқ ҳолда рамзлар тасаввури юзага келган. Масалан, қизил ранг кўп халқларда қон рамзи, сариқ ранг айрилик, мусибат, қора ранг ўлим, кайғу рамзи саналади. Г. Кларнинг фикрича, қизил қон ранги бўлиб, хаяжон, қувват, тирик, нотинчлик рамзидир. О.В.Сауфанова қизил рангига нисбатан *қон*, *ташвиш*, *фаоллик*, *кучлилик*, *қўзғатувчи*, *тирик* ассоциациялари юзага келишини қайд этади.

Рамзий маънога эга ранг-тус билдирувчи сўзлар ассоциатив тарзда ўзи англатган рамзларни инсон хотирасида тиклайди. Масалан, оқ – *тинчлик*, сариқ – *қуз*, қизил – *қон* каби жуфтликлардаги ассоциациялар ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маъноларини юзага чиқаради.

Ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзларни англатиши уларнинг этник, этнографик фарқли хусусиятларини, оламнинг рангин тасвирида ўзига хос миллий тасаввурга асосланилишини далиллайди.

Ҳар бир тил жамиятида ранг-тус билдирувчи баъзи сўзлар ўзига хос рамзлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Бу ҳолат ранг-тус билдирувчи бундай сўз орқали рамзларни

англатувчи ассоциацияларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, *оқ* сўзи ўзбек тили эгалари хотирасида *тинчлик* ассоциациясини ҳосил қилиши мумкин. Бу ассоциация ўзбек халқи маданиятида *оқ* рангининг *тинчлик* рамзи сифатида талқин этилиши билан боғлиқ. Ёки ўзбек адабиётида *қора* сўзи кўпинча ёвузлик рамзи сифатида гавдаланади. Бу ҳолат *қора* сўзига нисбатан *ёзувлик* ассоциациясининг юзага келишига туртки беради.

Ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзларга ишора қилиши турли халқларда бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли ҳар бир тилда ранг-тус билдирувчи сўзларнинг рамзий маъноси билан боғлиқ ҳолда турли-туман ассоциациялар ҳосил бўлади. А.С.Выродованинг қайд этишича, рус тилидаги поэтик дискурда *оқ* ранг поклик, муқаддаслик, айбсизлик, шунингдек, курбонлик, инсоннинг нариги дунёга сафар қилиши рамзи сифатида берилади. Қора ранг эса ўлим, шайтонлик хусусиятининг бошланиши, омадсизлик, ташвиш рамзи; қизил ранг қон, уруш, фаоллик, ҳокимият рамзи сифатида намоён бўлади. Яшил ранг поэтик дискурда баҳор, янгиланиш, ёшлик, куч-қувват, умид рамзи сифатида тасвирланади. Аммо бу рангнинг носоғлом тери билан боғлиқ ассоциацияси касаллик, изтиробга ишора қилади. Оч кўк енгиллик, кўтаринкилик; тўқ кўк эса ер ости дунёси, шайтоннинг колоратив рамзи; сариқ ранг ёрқин куёш, олтин ҳамда касаллик, ҳатто ўлим рамзи сифатида намоён бўлади. Поэтик дискурда ҳатто бир неча колоративлар бир ҳодисанинг рамзий ифодаси сифатида тасвирланиши мумкин. Сариқ ва яшил қадимийлик тимсоли бўла олади. Қайд этилган ранг-тус билдирувчи сўзлар ҳамда рамзлар ифодаси тил эгалари хотирасида ассоциатив боғланишларни юзага келтиради.

Юртимиз байроғидаги мовий, *оқ*, қизил ранглари ҳам бевосита рамзлар билан боғланади. Байроқдаги мовий ранг мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзи бўлиб, яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Байроқдаги *оқ* ранг эса муқаддас *тинчлик* рамзи бўлиб, поклик, беғуборлик, софлик, орзу-хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир. Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи, у навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади. Қизил ранг эса вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудратни англатади.

Рангларнинг бу каби рамзларга ишора қилиши тил эгалари томонидан олдиндан ўзлаштирилганлиги сабабли уларда бу рангларни билдирувчи бирликларга нисбатан кўпинча умумий ассоциациялар ҳосил бўлади.

Шунингдек, ранг билан алоқадор миллий-маданий қарашлар, тарихий-маданий анъаналар, урф-одатлар ҳам кишиларда турли ассоциацияларни юзага келтиради. Бу ҳолат тилда ҳам акс этади.

Ранг-тус билдирувчи сўзларнинг миллий-маданий белгисидаги фарқлар улар бўйича тил эгаларида ҳосил бўлган ассоциацияларда ёрқин намоён бўлади. Бундай ассоциациялар

хар бир халқда ўзига хос бўлиб, тил эгаларининг ранглар бўйича тасаввурлари, тарихий-маданий анъаналари, урф-одатлари, воқеликка муносабати кабилар билан белгиланади.

Вербал ассоциацияларнинг тил жамиятида шаклланган миллий-маданий қарашлар билан боғлиқ ҳолда фарқланиши ранг-тус билдирувчи сўзлар билан ҳосил қилинган сўз бирикмаларида ҳам кузатилади. Б.А.Мусуковнинг таъкидлашича, оламнинг ранг манзарасини ҳосил қилишда муайян коннотациялар халқ менталитети, қадриятлари, хулқ-атвори меъёрлари, ташқи олам ҳақидаги тасаввурлари мажмуи ва уни ўзлаштиришни яхлит тарзда очиб беришга ёрдам беради. Масалан, қорачойликлар ва болқарларда *кёк кёз* (яшил кўз) сўз бирикмаси ижобий-экспрессив бўёққа эга, қирғизларнинг олам манзарасида эса *кёк кёз* энг кўримсиз, хунук кўз сифатида қабул қилинади. Ўзбек халқида ҳам *кўк кўз* сўз бирикмаси ижобий ассоциация ҳосил қилмайди.

ХУЛОСА

Хуллас, турли тилларда ранг-тус билдирувчи бирликларга нисбатан ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда тил эгаларида ранг-баранг ассоциациялар ҳосил бўлади. Бундай ташқи омилларга тил эгаларининг ранглар ҳақидаги тасаввурлари, рангларга муносабати, ранглар билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар, маданий қарашлари мансуб бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мусуков Б.А. Лексико-семантические особенности цветообозначающих прилагательных в тюркских языках (на материале карачаево-балкарского языка) // Фундаментальные исследования. 2014. – № 5-5. – С. 1121-1126.
2. Ассоциатив тажриба 2023 йилда Ориентал университети талабалари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги лицей ўқувчилари (жами 30 та талаба) устида ўтказилди.
3. Клар Г. Тест Люшера: психологическая характеристика восьми цветов // Магия цвета. – Харьков, 1996.
4. Сафуанова О.В. Формы репрезентации цвета в субъективном опыте: Дисс. ... канд. психол. наук. – М., 1994.
5. Выродова А.С. Лингвокультурологическое пространство колоративов в русском поэтическом дискурсе первой половины XX века: на материале поэтических текстов С.А. Есенина и Н.М. Рубцова: Дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2008. – 224 с. // <https://www.dissercat.com/content/lingvokulturologicheskoe-prostranstvo-kolorativov-v-russkom-poeticheskom-diskurse-pervoi-pol>
6. <https://paxtachi.uz/uz/node/519>

7. Мусуков Б.А. Лексико-семантические особенности цветообозначающих прилагательных в тюркских языках (на материале карачаево-балкарского языка) // Фундаментальные исследования. 2014. – № 5-5. – С. 1121-1126.